

Ўзбекистон Республикасининг 09.07.2018 йилдаги “Ўзбекистон Савдо-саноат палатаси тўғрисида”ги Қонунининг 17-моддасига кўра, Палатага аъзолик кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари учун ихтиёрий, бошқа тадбиркорлик субъектлари учун эса мажбурийдир. Палата аъзолари Палата уставига ҳамда аъзолик тўғрисидаги шартномада белгиланган тенг ҳуқуқ ва мажбуриятларга эга бўлади. Ўзбекистон Республикаси Адлия Вазирлиги томонидан 09.01.2019 йилда 353П-сон билан рўйхатдан ўтказилган Ўзбекистон Савдо-саноат палатаси Уставининг 2.1.-бандига кўра, тадбиркорлик субъектлари – Палата аъзоларининг манфаатларини ифода этиш ва ҳуқуқларини ҳимоя қилиш каби мақсадларда тузилган. Уставнинг 5.6.-бандига кўра эса, мажбурий аъзоликка қабул қилинадиган субъектларнинг йиллик аъзолик миқдори белгиланиб, банклар Палата аъзолигига мажбурий қабул қилинган.

Ўзбекистон Савдо-саноат палатасининг 15.03.2019 йилдаги 45АҒ-сонли буйруғи билан:

- “Тадбиркорлик субъектларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини судларда ҳимоя қилишни таъминлаш тўғрисида”ги Йўриқнома тасдиқланган;
- Мазкур йўриқнома талабларига қатъиян риоя қилиниши, киритилаётган даъво ариза, апелляция ва кассация шикоятларининг асосли ва ҳаққонийлигини ҳудудий бошқарма бошлиқларининг шахсан жавобгар эканлиги белгиланган;
- Палата ижроия кўмитасининг тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бошқармаси ва барча ҳудудий бошқармалар бошлиқлари Палата аъзолари манфаатларини кўзлаб судларга даъво ариза киритишдан олдин даъво талабларига асос бўлган ҳолатлар тўлиқ ва ҳар томонлама пухта ўрганилиб ҳамда ҳар бир даъво иши бўйича тарафлар ўртасида судгача яраштирув жараёни ўтказилиб, судларга қонуний ва асосли даъво аризалар киритилишини таъминлаш;

Юқоридаги буйруқ билан тасдиқланган, “Тадбиркорлик субъектларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини судларда ҳимоя қилишни таъминлаш тўғрисида”ги Йўриқноманинг:

4.-бандига кўра, Палата унга қонуний имтиёзлардан фойдаланиш борасида шахсан ўзи қарор қабул қилади. 7-бандига кўра, судгача низони ҳал қилиш тартибига риоя қилиниши, судларда иштирокини таъминлаш билан палата аъзосининг ҳуқуқи ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш жараёни кетма-кетлиги белгиланган. 13-бандига кўра, Палата аъзосининг бошланғич ҳужжатларини ўрганиш ўтказганидан сўнг 5 (беш) иш куни давомида “Germes Agent” электрон ҳужжат алмашинуви тизимига жойлаштириш, даъвогар ва жавобгарларга низони судгача ҳал қилиш тартибига риоя қилиш мақсадида, уни ўтказиладиган жой ва вақтини кўрсатган ҳолда хат юбориши шартлиги аниқ белгилаб қўйилган. 16-бандига кўра, тарафлар (ёки тарафлардан бири) белгиланган муддатда низони судгача ҳал қилишга келмаганда, бу ҳақда далолатнома тузилади. Агар тарафлар иккаласи ҳам палата аъзоси ҳисобланганда даъвогар ва жавобгарларга низони судгача ҳал қилиш тартибига риоя қилиш мақсадида, уни ўтказиладиган жой ва вақтини кўрсатган ҳолда такрорий хат юбориши шарт. 17-бандига кўра, Низо юзасидан тарафлар келишувга эришилмаган тақдирда, ижрочи тарафларга низони ССП ҳузуридаги ҳакамлик судида кўришлик учун таклиф киритади.

Демакки, кредит шартномалари юзасидан низо келиб чиққанда, истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш усули сифатида низони судгача ҳал қилиш тамойиллари учинчи шахс Ўзбекистон Савдо-саноат палата томонидан мустақил белгиланиб, тарафларни низони судгача ҳал қилиш мақсадида тарафларни таклиф этади ва тегишли далолатнома билан расмийлаштирилади. Бунда низо тарафлар ўртасида ихтиёрий мақбул муддатларда бартараф этишга эришилган тақдирда низо судга оширилмайди.